

**Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.**

М.Қаипназаров ва бошқалар жавобгар “Йўл қурилиш ва таъмирлаш трести” ОАЖга нисбатан мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан ариза ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги қўшимча даъво аризаси билан мурожаат этган.

“Йўл қурилиш ва таъмирлаш трести” ОАЖ ҳам судга М.Қаипназаров ва бошқаларга нисбатан ётоқхонадан кўчириш ҳақидаги қарши даъво аризаси билан мурожаат этган.

Шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 27 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, туманлараро судининг 2008 йил 13 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, М.Қаипназаров ва бошқаларнинг ариза ва қўшимча даъво талаблари рад қилиниб, қарши даъво қаноатлантирилган.

Уй-жой кодексининг 80-моддаси 1-қисми, 1-банди талабига мувофиқ, 1- ва 2- гуруҳ ногиронлари хизмат тураржойларидан бошқа тураржой берган ҳолда кўчириладилар.

Жавобгар М.Қаипназаровнинг оила аъзоси У.Альменованинг 2-гуруҳ ногирони эканлиги тўғрисида ишда маълумот мавжуд бўлган, апелляция инстанцияси суд мажлиси баённомасида ҳам унинг 2-гуруҳ ногирони эканлиги кўрсатилган бўлса-да, судлар У.Альменова Уй-жой кодексининг 80-моддаси 1-қисмида кўрсатилган имтиёзга эга-эга эмаслиги ҳолатига тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 17 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими қисман бекор қилиниб, ишнинг М.Қаипназаров ва оила аъзоларини бошқа тураржой бермасдан кўчириш қисми янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

***ФСХ-29-11-сонли ажрими***